## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 936-ҳадис

936/1963– عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ الله عَنْهُ: أَنَّهُ سَمِعَ النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم يَقُولُ: «لَا تُوَاصِلُوا، فَأَيُّكُمْ إِذَا أَرَادَ أَنْ يُوَاصِلَ فَلْيُوَاصِلْ حَتَّى السَّحَرِ».

936.1963. Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитибди: **«Узлуксиз рўза тутманглар! Қайси бирингиз узлуксиз тутмоқчи бўлса, саҳаргача уласин»**. Шунда: «Ўзингиз узулуксиз рўза тутасиз-ку, эй Аллоҳнинг Расули!» дейишибди. У зот: **«Албатта, мен сизларнинг ҳолатингиздагидек эмасман. Албатта, мен кечани бир таом берувчи мени едирган ва бир сув берувчи мени ичирган ҳолда ўтказаман»**, дебдилар».

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI